



# ХАЛҚ КОНТРОЛИ

ВАРАҚА № 2 (228)

Ферма цех халқ контроли группаси аъзоси бўрдоқдор Парда Шодмоновнинг ишлари кўндалда бўлганда яна ҳам кўндалди. Унинг ҳозир кўп вақти фермада ўтириб, боқимчиликда молларни жадал семиртириш учун нимани зарур бўлса ҳаммасини қилипти. Орада цех контроли группаси ўтказган рейдларда ҳам қатнашган.

Парда Шодмоновнинг меҳнатлари эса кетмакети. У ўтган тошхондаги молларнинг ўртача тирик вазнини 473 килограммга етказишга муваффақ бўлганда. Бошқача қилиб айтганда ҳар бир молнинг тирик вазни ўтган йилдагидан ўртача 50 килограммга ортди.

Бизда шахсий намуна кўрсатиб ишлаётган халқ назоратчилари оз эмас. Ақабай Ҳасанов кўп йиллардан бери цех халқ контроли группаси раҳбарлиги қилиб келган. Айни пайтда у бригада бошлиғи ҳамдир. А. Ҳасанов коллективни ўтган йилда текшириш бўлимида 58 йилдан бери «оқ олтин» ҳосили еттиштирди. Хосилни йилгир-териб олишда цех халқ контроли группаси аъзоси механизатор Исмаилов Ахмедов бағчага намуна бўлди. У ХТ-1,2 маркали машинаси билан 128 тонна палта териб берди.

Колхозимизда 17 та халқ контроли группаси иш олиб борапти. Бош халқ контроли группаси уларга раҳбар

лик қилапти. Бюро аъзолари бевосита жойларда бўлиб, цех группалари жағоварлигини оширишга ёрдам беришмоқдалар.

Энг аввало биз цех халқ контроли группалари ишини тўғри планлаштиришга алоҳида эътибор қилишимиз. Планларда колхозчилар, назоратчилар тақлифлари ўз

самара олинди. Бундан ташқари камчиликка йўл қўйиб, жавобгар шахсларга нисбатан талабчанлик ҳам анча ортди. Ўтган йили етти кишига 722 сўмлик нарчот солинди.

Колхоз халқ контроли группаси аъзолари комсомол проектори штаб аъзолари билан мустақим ало-

ҳи айланиб, дала бошнинг ўзида техникани зарур ёнида билан таъминлашди.

Бундан ташқари назоратчилар ташаббуси билан ремонт қилинган техниканинг нима сабабдан тезда ишдан чиқиб қолгани сирлари ҳам ўрганилди. Текшириш давомида жорий ремонт графиги бузилаётганлиги, ремонтчиларнинг ишга масъулиятсизлиги билан қараётганлиги, янги деталлар ишлатилган деталлар билан алмаштирилиб қўйилаётганлиги маълум бўлди. Бу масала правление мажлисида кўриб чиқилиб, махсус комиссия тўзди. Комиссия аъзолари устакана ишини текширишдан ўтказди. Бу ерда сифатли иш учун ҳақ тўлашнинг янги системаси жорий қилинди.

Ҳозирги кунда биз чорва қишлоғини намунага ўтказиш ва баҳорги экин намлинига техникани сифатли тайёрлаш устидан пухта назорат ўрнатганимиз. СССРнинг 60 йиллиги нишонланган 1982 йилда қўллана бригадалар палта ҳосилдорлигини 55—60 центнерга етказишга бел боғлаганлар. Назоратчилар шу мақсад йўлида барча ағротехники жараёнларнинг ўз вақтида сифатли бажарилиши устидан қайғурмоқдалар.

А. ЖАРЛАҚАБОВ, Бўша районидаги «Коммунизм» колхоз халқ контроли группасининг раиси.

Шерали Битурсунов Тошкентдаги Октябрь 50 йиллиги номи автокомбинатнинг тажрибали шофёрларидан ҳисобланади. У рейсдан қайтган халқ контроли группаси аъзоси сифатида ремонтчилар бригадаси бажарётган иш сифатини кўздан кечиришга одатланган. Рейд давомида ёш ремонтчиларнинг сифатли ишлашга даъват этади. Суратда: Ш. Битурсунов ёш слесарь Раҳимжон Аҳмедовга моторнинг ремонт қилишда кўмаклашмоқда.

Х. Ҳайдаров фотоси. (ЎзТАГ).

- ТОЛАСИ
- ТИЛЛАГА ТЕНГ
- ҲАММА СОҲА
- ЭЪТИБОРДА
- ҚАЧОНГАЧА
- АЛДАЙСИЗ?
- ЎЗГАЛАРГА
- САБОҚ БЎЛСИН



## АЖАБ ҲАНГОМАЛАР

### «ҲОЖАТБАРОР» ВРАЧ

— Сиз кўп куюнманг, — деди меҳмон. — Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг илоҳи бор қишлоғимизда. Бир ҳафта эмас, бир ойга десангиз ҳам боилетсиз тўғрилик берадиган акаларим бор. Фақат орақ чикимга чидасангиз бўлади.

Меҳмоннинг чеҳраси ёришгандек бўлди. Пул кетса-кетсин, лекин мулкларига иш битсин. У зарур иш билан Қўрғондан бу ерга келган эди. Қарағчи, мулкларига ишлари битмай, отгусаси тугаб қолди. Яна бир ҳафта вақт сув билан ҳаводек зарур эди ҳозир.

— Эртага мен сизни участка боти врачининг олдига олиб чиқаман, — меҳмон меҳмонни ишонтирди. — У ишчи албатта сизга ёрдам беради. Кўнглини овласак бас.

Шундай бўлди. Бордонқўй қишлоқ Совети касалхонасининг бош врачлари А. М. Хван, Краснодарлик меҳмон Ш. Абдуллаевнинг ёруғ чеҳра билан қабул қилиб олди. Сўнг «фалкикуляр ангина» деган диагноз билан касаллик варақасини ёзиб берди.

Бу ишдан Волинск областининг Луик шаҳридан келган Н. Иванок ҳам хабар толиб, бош врачнинг олдига секин кириб келди. Унга ҳам бир ҳафталик касаллик варақаси зарур эди. Қарағчи, Н. Иванок ҳам «фалкикуляр ангина» бўлган экан. Бундан А. М. Хван «бемор»нинг томиқ қиришидан дарров фахмлаб олди, бир зумда касаллик варақасини тўлдирди берди.

«Ҳоҷатбарор» врачни бошқалар ҳам яхши танишар экан. Айрим кўнларни уи унда ҳам тич қўйишмасди.

Дам олиш кунларидан биринчи кунда унинг ҳузурида қўлни қишлоқлик Светлана Хван пайдо бўлди.

— Менга стационарда даволанапти, деб беш кунга боилетсиз тўғрилик берадиган, — деб илтимос қилди у. — Яхшилигини унутмайман, — кейин хурсанд қиламан.

Бош врач кўнгли боти одам эмасми, дарров ўтириб медицина бош ҳамширасига ишчи элик хат ёзди. Бош ҳамшира бош врачнинг қизган қизғинидан чиқди, дейсини, йўқ. Дарров ора-ўрини суринтирмай сопа-соғ одамга беш кунга касаллик варақасини тўлдирди берди.

## М А Ж Р У Х

### МАШИНАЛАР

Кенг майдонга ўйиб ташланган машина-механизмларни кўздан кечириб юрган комиссия аъзоларида бири беихтиёр галла қолмайлари олдига келиб тўхтади.

— Кечагина бу машиналарни Охангарон райони хўжалиқларида кўрган эдик, — деди у. — Қарағчи, юлдуз кўрмай дарров чиқитга чиқиб кетибди.

Район хўжалиқларида ўтган йили 5 та галла ўриш комбайни, 3 та трактор фойдаланиш муддати тугамай, ҳисобдан чиқариб ташланди. Бўлмаса уларнинг у ер-бу ериги бироз ремонт қилиб яна ишлатиш мумкин эди. Ҳеч бўлмаганда бир қатор яроқли қисмларини ақратиб олиш керак эди. Лекин бушай қилинмади.

— Техника бизда керагидан орттича, — дейишди охангаронликлар кўрак кериб. — Гаражларда йилда фойдаланилмаётган машиналар қантарлигини турибди.

Ҳақ гап. Баландлик қиймати салкам 40 минг сўмлик 7 та картошка йиғини машинаси ички йилдан бери жойдан қўзғалмади. 22,3 минг сўмлик 8 та шпёр кавалачи, 13,7 минг сўмлик қарам экин комбайнлари, 14,4 минг сўмлик сунъий ёмғир ёлдиригичлар заводдан қандай келган бўлса, шундайлигича бир-бирига қалшиб ётибди. Уларни ишлатиш устидан ҳеч ким бош қотирмади.

Эрта Чирчиқ районидан Терешкова номи колхозга ж. носиров.

## ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ МАТЕРИАЛАРИ ИЗИДАН

### «ХАСРАТДАН—ЧАНГ»

Газетамизнинг шу йил 2 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган танқидий мақолада Охангарон умумий овқатланиш комбинатига қарашли Н. Т. Маковеева мудирлик қилаётган «Березка» кафе-си, А. Қўдусова директорлик қилаётган ресторани, А. Ҳасанов мудир бўлган чойхонадаги тартибсизликлар, хўрадаларга қўрсатилаётган хизмат маданиятининг ниҳоятда пастлиги таъкид остига олинган эди. Тайёрланган таомлар калориясининг пастлиги, идиш-товуқларнинг етишмаслиги, хўрадалар вақти беҳуда исроф бўлаётганлиги ҳам мақолада таъкидлаб ўтилган эди. Чойхона эса очилган-очиб қолган.

Танқидий мақола юзасидан республикамиз Тошкент области Совети ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармасининг бошлиғи Т. Ражабовдан жавоб хати олди. Хатда таъкидланганча, текширув пайtida мақолада келтирилган фактларнинг барчаси тўла тасдиқланган. Мақола Охангарон умумий овқатланиш комбинати коллектив йилдаги муҳокама қилиниб, умумий овқатланиш корхоналари ишини яхшилаш, улар тармоғини кенйтиш ва хизмат маданиятини ошириш юзасидан зарур чоралар белгиланган.

Ўз вазифасига лоқайдлик билан қараганлиги, Совет савдоси қондаларини бузувчиларга нисбатан муро-сазлик қилганлиги учун Охангарон умумий овқатланиш комбинати директори Т. Ражабовга хайфсан эълон қилинди. «Охангарон» ресторани директори А. Қўдусова ўз вазифасидан пайсаттирилди. А. Ҳасанов ҳам вазифасидан четлаштирилди.

1982 йилда Охангарон шаҳрида 2 та кафе куриш, 120 ўринли 2 қаватли яна бир кафе лойиҳасини тузиш, янги фабрикалар ва қондир маҳсулотлари билан савдо қилувчи магазин очилиши, «Охангарон» ресторани замонавий усулда реконструкция қилиш белгиланди. Охангарон шаҳри умумий овқатланиш корхоналари ишининг аҳоли алоҳида назоратга олинди.

## РЕДАКЦИЯГА ХАТ

### ЎН ОЛТИ ЙИЛЛИК ВАЪДА

Бешқайрагон массивининг Фуркат маҳалласидаги Муаллим кўчаси йил сайин говжўлашиб борапти. Поликленикалар, озик-овқат ва санот моллари магазинлари, боғча ва яшиллар шу кўчада жойлашган. Кўчамиз бўйлаб 46, 79-автобуслар, 14-маршрутлик такси катнайдди. Яқиндан бош-лаб кўчамиз бўйлаб одамлар ва транспорт қатнови яна ҳам кўчмади. Чўки эди мол бозорига ҳам шу кўча орқали ўтиляпти.

Биз кўчанинг икки бўйига йўлқалар қўриш зарурлиги юзасидан Ақмал Икромов район ободонлаштириш бошқармасига бир неча бор мурожаат қилдик. Чўки транспорт қатнови кўчанинг сари эҳтиёткорлик чорасини кўрмасе бўлмайди. Йўлқаларнинг

йўқлиги натижасида одамлар катта кўча бўйлаб юришга мажбур бўлмоқдалар. Бунинг оқибатида баъзан йўл-транспорт ҳодисалари ҳам содир бўляпти.

Ақмал Икромов район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари 16 йилдан бери йўлга қўриб бериш юзасидан ваъдаларини бажармай келишяпти. Шунинг учун ҳам биз энди редакцияга мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Редакция сигналли билан йўлга қўришнинг яқин вақт ичнда бошлб йборилади ва кўчамизда ҳарқат хавфсизлиги тўла таъминланади деган умиддамиз.

Қ. ҚОСИМОВ, Улуг Ватан уруши ва меҳнат ветерани, шахсий пенсиясиз.

Районимиз меҳнатчилари ўн биринчи беш йиллигининг биринчи йилида 61 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» тайёрладилар. Бу ҳосилни қайта ишлаш вазифаси коллективимиз зиммасига юнганган. Шу кечакунда барча қабул ва тайёрлов пунктларидан завода палта ташиб келишчи ишлари қиётин давом этипти. Ҳозир шу палталарни кайта сортларга ақратили, тозалаш, тойлал ва турли шаҳарлардаги санот корхоналарида жуёлатиш билан бандимиз. Деҳқонлар пешона тери билан еттиштирилган ҳосилнинг бир қисmini ҳам нобуд қилмай тойлал устидан пухта назорат ўрнатганимиз.

Заводимизда иш уч сменда олиб бориладди. Шу бондан ҳам биз ҳар бир сменда цех халқ контроли группаларини сезиб туришларига алоҳида эътибор беришимиз. 60 дан зиёд

## УЧ СМЕНА—УЧ ГРУППА

ишчи цех халқ контроли группаларига бирлашган. Улар олдиндан тузиб олган план асосида цехлар ва участкалар бўйлаб мунтазам рейдлар ўтказиб келишяпти. Ўтган йили назоратчиларимиз 12 марта рейд ўтказганидир. Анифе Ҳасанова, Ҳидоят Ҳалолова, Арслонбек Ҳанов каби назоратчилар бу рейдларда актив қатнашиб, ишлаб чиқаришни равионлаштиришга ёрдам берувчи кўпгина тақлифларни ўртага ташладилар.

Рейд ва текширувлар «Қаҳор» йерда ва қандай нуссон топади? — деган умумий шпор остида тайин қилинган. Текширув охирида рейд натижалари ўз кўрган-билганлари ҳақида бюро мажлисида ҳисоб

бериладилар. Айни пайтда улар нуқсонларни тугатиш бўйича ўз тақлиф ва мулоҳазаларини ҳам билдирадилар. Шу бондан ҳам текширувлар нисси қолмайлари, Анифанинг камчиликлари тезда барҳам топадилар.

Бу йил биз иш планимизга рейдлар қўямиз янада неғайтириш юзасидан янги вазифаларни ёзиб қўйганмиз. Ҳозир бутун эътибор маҳсулот сифатини яхшилашга, иш вақтидан унумли фойдаланишга, материал ва хомашёлардан тежаб-тергаб сарфлашга қаратилгандир.

Э. МАМУТ, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» палта тозалаш заводи халқ контроли группаси раиси.

## ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

## С Е Р С У Т

### СИГИРЛАР ҚАНИ?

Ўтган йили 17 та колхоз ва совхоз давлатга 4365 тонна сўт, 44 хўжалик 3839 тонна сўт, 12 та хўжалик салкам 18 миллион донга туҳум нам етказиб берди. Бу соҳада Ўзбекистон райони хўжалиқлари айниқса оқсамолда, «Хўжалик» совхози подасида сигирлар сони йил сайин кўндалди бўлмоқда. Уларни боқиб ва нўқайтириш устидан назорат бўшаптириб юборилган. Ҳозир юз бош сигирдан ўртача 66 тадан бузоқ одинапти.

«Ленинград» колхозинда ҳам ўтган йили сўт тайёрлаш пани бажарилиб қолди. Давлатга 132 тонна сўт нам етказиб берилди. Хўжалик чорвачиликдан 49 минг сўмлик зарар кўрди. Подала сигирлар сонининг камлиги учун ҳам сўт еттиштириш йил сайин камийиб бормоқда. Кейинги уч йил давомида подадаги сигирлар 27 процентдан юқорига кўтарилиши мумкин. Моллар парвариши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Озуқа рационидан ҳеч ким хабар олмайди.

Колхозда озуқа экинлари


ҳосилдорлиги ниҳоятда пастдир. 1981 йилда беда пичани тайёрлаш пани 58 процент бажарилади холос. Бошқача қилиб айтганда 1980 йилга нисбатан 303 тонна беда пичани нам тайёрланди. Озуқа нам бўлган, моллар маҳсулдорлиги ҳам пасайиб кетди. Ўтган йили ҳар бош сигирдан ўрта ҳисобда 2390 килограммдан сўт соғиб олинди. Бу йил ҳам аҳвол ўзгармапти.

Жамоат чорвачилигини равионлаштиришда Оржоникидзе районидан баъзон хўжалиқлар ҳам орага кетмоқда. Ўтган йили 4 та хўжалик сўт еттиштириш ва давлатга сўт тайин пани бажара олмади. «Қизил Ўзбекистон» колхозинда чорвачилигининг озуқа базаси мустақим бўлмаганлиги учун ҳам моллар маҳсулдорлиги пасайиб борапти. Подаларни зотдор сигирлар ҳисобига неғайтириш чоралари кўрилмапти.

Область халқ контроли комитети чорвачиликни қонкурс раҳбарлик қилаётганлиги ва давлатга чорва маҳсулотлари сотиш планларини

## КИШАНЛАНГАН

### ВАГОНЛАР



Йқинда халқ контроли комитети назоратчилари «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бirlашмаси, Чигирчиқ галла қабул қилиш корхонаси, Охангарон ва Тўйена темир йўл станцияларда вагонлардан фойдаланишнинг аҳоли билан танишиб чиқдилар.

«Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бirlашмасида йўл хўжалигини кенгайтириш, механизация билан яхшилаш, транспорт хизмати шtatини ишчилар билан тўлдириб, ҳаракатдаги составининг ҳамшира фойдаланишга шай туришини таъминлаш йўлида зарур тадбирлар қўрилмапти. Чигирчиқ галла қабул қилиш корхонасида эса ўтган йили вагонлар беҳуда узоқ ушлаб қолди. Мақкашхўра долинга ўз вақтида кўтариб олиниши қонкурс ташкил этилди. Айниқса, туғи сменда ишлар яхши уюштирилмади.

Вагонларнинг беҳуда турли қилишда станцияларнинг ҳам айби бор. Тўйена станциясига келган вагонлар нумарида 5,9 соат уринга 10,1 соат ушлаб қолди. Қўпгина ҳолларда станциялар корхоналарга бузоқ вагонларни жуғайтиришга. Охангарон станцияси бу соҳада рекорд қўймоқда. У ўтган йилнинг сўнги тўрт ойи мобайнида жойларга 1045 та брак қилинган вагонни жуғайтирди. Ўзгидан равшаниш, бу вагонларга қон орғилмай яна орқасига қайтариб юборилди.

Область халқ контроли комитети юк орғиш ва тушириш ишларини ташкил этишда нўноқлик қилаётган раҳбарларни қаттиқ жазолади. «Ахангаранцемент» бirlашмаси бош директорининг ўринбосари М. И. Буджеракна қаттиқ вивговор берилди ва бир ойлик маоши ҳажимда





